

## Ақийда дарслари (231-дарс) Қиёмат қандай қоим бўлади? (иккинчи мақола)



19:00 / 05.06.2023 4589

Қиёматдаги ҳисоб-китоб ўта аниқлик билан амалга оширилди. Аввало, бу дунёда қилган ишлари ўта аниқлик билан ёзиб юрилган номаи аъмол китоблари олиб келинди. Аниқ ҳукм чиқариш учун шунинг ўзи етар эди. Аммо пайғамбарлар ҳам гувоҳликка келтирилдилар. Улар кишиларга Аллоҳнинг амрини, таълимотини, ваҳийни, китоби ва аҳкомларини қандай етказганлари ҳақида гувоҳлик бердилар. Ҳеч ким, мен билмай қолибман, дин ҳақида, шариат ҳақида тириклик чоғимда хабар эшитмаган эдим, дея олмайдиган бўлди.

Шунингдек, гувоҳлар ҳам келтирилди. Улар банда қачон, қаерда, қай тарзда нима қилган бўлса, очик-ойдин гувоҳлик бердилар. Ана ўшалар асосида:

**«Ва ҳар бир жонга қилган амали (жазо ёки мукофоти) тўлиқ берилди».**

Зарра миқдорича ҳам камайтирилмади.

**«У Зот уларнинг нима қилаётганларини яхши билувчидир».**

Юқорида айтилган ҳужжат – далил ва гувоҳлар устига энг катта ҳужжат шуки, Аллоҳ таолонинг Ўзи бандаларининг қилаётган ишларини жуда ҳам яхши билувчи Зотдир.

Ана энди маҳшарда ҳисоб-китоб тугади. Ҳар кимга амалига яраша жазо ёки мукофот тайинланди.

وَيُنذِرُوكُمْ رَبِّكُمْ ءَايَاتٍ عَلَيْكُمْ يَتْلُونَ مِنْكُمْ رُسُلٌ يَأْتِكُمْ أَلَمْ خَزَنَتْهَا لَهُمْ وَقَالَ أَبُو دُهَيْبٍ فَتَحَتْ جَاءُوهَا إِذَا حَتَّى رَمَرَّا جَهَنَّمَ إِلَى كَفَرُوا الَّذِينَ وَسِيقَ

﴿٧١﴾ الْكَافِرِينَ عَلَى الْعَذَابِ كَلِمَةٌ حَقَّتْ وَلَكِنْ بَلَى قَالُوا هَذَا يَوْمِكُمْ لِقَاءَ

**«Ва куфр келтирганлар жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳайдалди.**

**Унга етиб келган чоғларида унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизларга ичингиздан Роббингизнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, сизларни ушбу кунингиздаги рўбарў бўлишдан огоҳлантирадиган расуллар келмадимиз?!» дедилар. Улар: «Шундай! Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», дедилар» (Зумар сураси, 71-оят).**

Ажойиб бир манзара. Ҳукм чиққанидан кейин кофирлар жамланиб, жаҳаннам томон ҳайдаб кетилдилар. Ҳаммаёқ жим-жит. Кофирлар жаҳаннамга етиб келган пайтида ҳеч қандай шовқин-суронсиз унинг эшиклари очилди.

Ҳамма даҳшатда. Жаҳаннам нелигини ва у ерда нималарга дучор бўлишларини ҳам биладилар. Шунинг учун ҳам бошларини эгиб, паришон ҳолда кетмоқдалар. Шунда бирдан уларга жаҳаннамнинг қўриқчилиги вазифасини адо этувчи фаришталар қуйидаги саволни берадилар:

**«Сизларга ичингиздан Роббингизнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, сизларни ушбу кунингиздаги рўбарў бўлишдан огоҳлантирадиган расуллар келмадимиз?!»**

Эй шўри қуриганлар, нимага бу томон келяпсизлар?! Нима бўлди сизларга?! Нима, у дунёда сизларга ўзингиздан бўлган, оддий инсон пайғамбарлар келмадимиз?! Улар сизларга Аллоҳнинг оятларини тиловат

қилиб бермадими?! Ахир пайғамбарлар сизни бундан огоҳлантирган бўлишлари керак-ку!!! Улар сизга бу ҳақдаги оятларни тиловат қилиб берган бўлишлари керак-ку!!!

Кофирлар нима ҳам жавоб қила олардилар? Кўп гапира олмайдилар ҳам.

**«Улар: «Шундай! Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», дедилар».**

Ҳа, ўзимиздан бўлган пайғамбарлар бизга келган, улар бизга Роббимизнинг оятларини тиловат қилиб берган ва у куннинг даҳшатидан огоҳлантирган эдилар, демоқчилар. Лекин тўлиқ айта олмайдилар. «Ҳа», деб қўйишга зўрға ярайдилар. Ортидан эса тан олиб;

**«Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир»**, деб ўзларининг кофирликларини эътироф этадилар.

Шунда уларга:

**«Жаҳаннам эшикларидан унда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кириг!» дейилди. Бас, мутакаббирларнинг турар жойи қандай ҳам ёмон!»** (Зумар сураси, 72-оят).

Ҳалиги жаҳаннам қўриқчилари билан бўлган савол-жавобдан кейин кофирларга:

**«Жаҳаннам эшикларидан унда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кириг!»** дейилди».

Бир йўла уларга жаҳаннамда абадий қолишлари ҳам айтиб қўйилди. Жаҳаннам бу дунёда иймонга киришдан бош тортиб, кофир бўлиб ўтган мутакаббирларга жой бўлди.

**«Бас, мутакаббирларнинг турар жойи қандай ҳам ёмон!».**

Жаҳаннамга ҳукм қилинганларнинг ҳоли шундай бўлди. Энди эса жаннатга ҳукм этилганларнинг ҳоли васф қилинади:

﴿۷۲﴾ خَلِيدِينَ فَادْخُلُوهَا طِبْتُمْ عَلَيْكُمْ سَلَامٌ خَزَنَتُهَا لَهُمْ وَقَالَ ابْوَيْهًا وَفُتِحَتْ جَاءُوهَا إِذَا حَقَّ زَمْرًا الْجَنَّةِ إِلَى رَبِّهِمْ أَنْقَوْا الذُّبَابَ وَسِيقَ

﴿٧٤﴾ الْعَمَلِينَ أَجْرُ فِعْمٍ نَشَأُ حَيْثُ الْجَنَّةِ مِنْ نَبْوِ الْأَرْضِ وَأَوْرُنَا وَعَدَهُ صَدَقْنَا الَّذِي لِلَّهِ الْحَمْدُ وَقَالُوا

﴿٧٥﴾ الْعَالَمِينَ رَبِّ لِلَّهِ الْحَمْدُ وَقِيلَ بِالْحَقِّ بَيْنَهُمْ وَفُضِيَ رَيْبِهِمْ بِحَمْدِ سَيِّحُونَ الْعَرْشِ حَوْلَ مَنْ حَافِيَتِ الْمَلَائِكَةُ وَتَرَى

**«Ва Роббларига тақво қилганлар жаннатга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб борилдилар. Унга етиб келган чоғларида унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кириң!» дедилар. Улар: «Бизларга берган ваъдасини рост қилган ва бизга бу ерни мерос қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Жаннатда хоҳлаган еримизга жойлашамиз», дедилар. Бас, амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши! Ва фаришталарни Аршни ўраб олиб, Роббларига ҳамд ила тасбеҳ айтаётган ҳолда кўрурсан. Улар орасида ҳақ ила ҳукм қилинди ва: «Оламларнинг Робби - Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!» дейилди»** (Зумар сураси, 73-75-оятлар).

Бу ҳолат жаҳаннам аҳлининг ҳолатидан тамоман бошқача. Ҳамма томонда хурсандлик, ҳамма томонда шоду хуррамлик барқ уриб туради.

Қўриқчиларнинг гапи ҳам салом, табрик ва башоратдан иборат. Жаннат аҳлининг гапида ҳам Аллоҳ таолога ҳамду сано, хурсандлик бор. Нақадар яхши ҳолат! Нақадар гўзал жой! Нақадар яхши мукофот!

**«Ва Роббларига тақво қилганлар жаннатга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб борилдилар».**

Мазкур саодатманд бандаларнинг жаннатий бўлишларининг асосий боиси Роббларига тақво қилганлари экан. Ана ўша тақво сифатига эга бўлганлари учун ҳам, қиёмат куни уларни гуруҳ-гуруҳ қилиб жаннатга олиб борилар экан. Шунинг ўзидан тақводорлик қанчалар зарур нарса эканини тушуниб олишимиз керак бўлади.

Ана, жаннатга киришларига ҳукм чиққан хушбахт бандалар жаннатга олиб келинди. Уларнинг бутун вужудларидан қувонч ёғилиб турибди. Мана, орзиқиб кутилган жаннат эшиги ҳам кўринди. Жаннатийларнинг завқу шавқлари яна ҳам зиёда бўлиб, унинг эшиклари томон йўлландилар.

**«Унга етиб келган чоғларида унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кириң!» дедилар».**

Жаннатнинг эшик оғаси бўлган фаришталар Роббларига тақво қилган бандаларни табрик сўзлари билан:

«Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз!» деб кутиб олдилар. Сўнгра жаннатийларнинг кўнгилларини яна ҳам тўқ қилиш учун:

**«Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг!» дедилар».**

Ҳа, жаннатга доимий қолиш учун, унинг нозу неъматларидан доимий лаззатланиш учун киринглар, дедилар.

Жаннатийлар жаннат эшик оғаларининг бундай илтифотларига ўзларига хос муомала ила жавоб илтифоти кўрсатдилар:

**«Улар: «Бизларга берган ваъдасини рост қилган ва бизга бу ерни мерос қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Жаннатда хоҳлаган еримизга жойлашамиз», дедилар».**

Оҳ! Нақадар юксак одоб! Ўзини билиш, Роббини таниш қандай яхши. Жаннатий бандалар ўзларига берилган олий мақом ва доимий саодат хабарини эшитишлари билан дарҳол ўз Роббларига, уларга берган ваъдасига амал қилиб, уларни жаннатга киритган Аллоҳга ҳамд айтмоқдалар!

Улар Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини яхши биладилар. Шунинг учун жаннатга кирмасларидан аввал, Аллоҳнинг ваъдасига биноан, ундан қандай жой олишларини билиб,

**«Жаннатда хоҳлаган еримизга жойлашамиз», дедилар»**

Ана кўрдингизми, қандай яхши! Нақадар гўзал!

**«Бас, амал қилувчиларнинг ажри қандай яхши!»**

(Тамом)

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.